

## Ийсо алайҳиссалом Қиёмат кунининг белгиси



10:38 / 12.02.2025 2296

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломнинг ҳақиқатларини баён қилади:

**«У (Ийсо) бир бандадир, Биз унга неъмат бериб, уни Бану Исроилга мисол қилдик»**, яъни Ийсо алайҳиссалом оддий бир банда, холос. Худо ҳам эмас, Худонинг ўғли ҳам эмас. Бошқа бандалар каби Худонинг оддий бандаси.

**«Биз унга неъмат бериб...»**

Фарқ шуки, биз унга пайғамбарликни неъмат қилиб бердик.

**«...уни Бану Исроилга мисол қилдик»**, яъни ўрнак ва ибрат бўлиши учун Ийсо алайҳиссаломни Бану Исроилга мисол қилиб қўйдик.

Эй мушриклар! **«Агар хоҳласак, ўрнингизга ер юзида халифа бўладиган фаришталар яратиб қўяр эдик».**

Кўпгина тафсирчиларимиз ушбу оятдан қуйидагича маъно чиқарганлар: бу дунёю у дунёда яратиш иши фақатгина Аллоҳ таолонинг ихтиёрида. У Зот нимани хоҳласа, шуни яратади. Бу ишга ҳеч ким аралаша олмайди. Шу жумладан, Аллоҳнинг Ўзи яратган фаришталар ҳам, мушриклар ҳам бу ишга аралаша олмайди. Фаришталар ҳам Аллоҳ яратган махлуқлардир. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, ер юзида мушриклар ўрнига халифа қилиб фаришталарни ёки аксинча, одамлардан фаришталар яратиши ҳам мумкин.

Сўнгра Ийсо алайҳиссалом ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар баёни давом этади:

**«У (Ийсо) Қиёматнинг белгисидир. Сиз бу ҳақда асло шубҳа қилмай, Менга эргашинг. Мана шу тўғри йўлдир»**

Ушбу ояти карима Ийсо алайҳиссаломнинг Қиёмат куни яқинлашганда тушишларига далилдир.

**«У (Ийсо) Қиёматнинг илми - белгисидир»**, яъни вақти келиб, Ийсо алайҳиссалом Қиёмат кунининг белгиси бўлади. Унинг қайта тушишидан Қиёматга жуда ҳам яқин қолгани маълум бўлади. Бу ояти кариманинг маъносини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган кўплаб ҳадиси шарифлар тасдиқлаган.

Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Молик ва Имом Абу Довудлар ҳазрати Абу Ҳурайрарозияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

**«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, орангизга Ибн Марям одил ҳакам бўлиб тушиши яқиндир. У хочни синдиради, чўққани ўлдиради, жияни бекор қилади. Могу дунёни ошириб-тошириб юборганидан уни ҳеч ким олмай қўяди. Ниҳоят, битта сажда бутун дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхши бўлиб қолади».**

Ийсо алайҳиссаломнинг қайтиб тушишлари ғайбий эътиқод масалалари доирасига киради. Бунга ушбу оятда ишора бор, шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам унинг баёни келган. Шу икки масдардан бошқа ҳужжатга эътиқод қилиб бўлмайди.

«Сиз у (соат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг...» – у албатта қоим бўлади.

«...ва менга эргашиш». Бу – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан айтилаётган гапдир.

«**Мана шу тўғри йўлдир**», яъни Қиёмат куни ҳақида ҳеч шубҳаланмасдан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш энг тўғри йўлдир. Бундан бошқа тўғри йўл йўқ.

مَرِيْرَمٌ نُبَّالِزَن اِدِا مُتْنَأ فَيَك «: لاق مَلَسَو هِيَلَعُ هَل ل ا ل صِي ب ل ل نَع ه نَع و  
دَمَح ا و ن ا ح ي ش ل ل ه ا و ر . «مُكُنْمُ م ا م ا و مُك ي ف

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ибн Марям орангизга тушиб, имомингиз эса ўзингиздан бўлганда нима қилар экансизлар?**» дедилар».

*Икки шайх ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Аввал ўтган ҳадиси шарифларга биноан, ўша имом Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу бўладилар.

ا ل د ا ع ا م ك ح م م ي ر م نُب ا ل ز ن ي ل ه ل ل ا و «: لاق مَلَسَو هِيَلَعُ هَل ل ا ل صِي ب ل ل نَع ه نَع و  
ص ا ل ق ل ا ن ك ر ت ل و ه ي ز ج ل ا ن ع ض ي ل و ر ي ز ن خ ل ل ا ن ل ت ق ي ل و ب ي ل ل ا ن ر س ك ي ل ف  
ل ا م ل ا ل ا ل ن و ع د ي ل و د س ا ح ت ل ا و ض ع ا ب ت ل ا و ا ن ح ش ل ا ن ب ه د ت ل و ا ه ي ل ع ي ق س ي ا ل ف  
دَح ا ه ل ب ق ي ا ل ف

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Аллоҳга қасамки, Ибн Марям одил ҳакам бўлиб келади. Сўнг хочни синдиради, чўчқани ўлдиради, жияни бекор қилади. Ёш туялар суғормаи ташлаб қўйилади. Одамлар орасида кўра олмаслик, ҳасад қилиш, бир-бирини ёмон кўриш йўқолади. У ҳаммани мол-дунёга чақиради, аммо уни ҳеч ким олмайди**».

**Шарҳ:** Мол-дунё ҳамма ёқни босиб, тўлиб-тошиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳам одамлар орасида ўзаро душманлик қолмайди.

لاق مَلَسَو هِيَلَعُ هَل ل ا ل صِي ب ل ل نَع ه نَع و ر م ع نُب ه ل ل ا د ب ع ن ع  
و ا ر ه ش ن ي ع ب ر ا و ا م و ي ن ي ع ب ر ا ي ر د ا ل - ن ي ع ب ر ا ت ك م ي ف ي ت م ا ي ف ل ا ج د ل ا ج ر ح ي  
ه ب ل ط ي ف د و ع س م نُب ه و ر ع ه ن ا ك م م ي ر م نُب ا ي س ي ع ه ل ل ا ت ع ب ي ف - ا م ا ع ن ي ع ب ر ا



**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**